# Ҳалқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2024 ЙИЛ — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2024 йил 10 май, № 91 (8714) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҒАЛАБАНИНГ 79 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ТАДБИРЛАРДА ИШТИРОК ЭТДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 8-9 май кунлари амалий ташриф билан Москва шаҳрида бўлди.**



Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбекистон — Россия кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, шу жумладан, савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Москва шаҳрига амалий ташрифи доирасида Ғалабанинг 79 йиллигига бағишланган тантанали тадбирларда иштирок этди.

Москванинг Қизил майдонида Ғалаба паради бўлиб ўтди. Уни Беларусь Президенти Александр Лукашенко, Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғизистон Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон, Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов, Гвинея-Бисау Президенти Умару Сисоку Эмбало, Лаос Президенти Тхонглун Сисулит ва Куба Президенти Мигель Диас-Канель ҳам кузатди.

Кўплаб тарихий далил ва мисоллар Ўзбекистон халқи буюк ғалабага муносиб ҳисса қўшганини яққол тасдиқлайди.

Даҳшатли уруш бошланган биринчи кунларданоқ юртдошларимиз фашизмга қарши мардона курашга отланди. Ўша пайтда республикамиз аҳолиси 6,5 миллион кишини ташкил этган бўлса, шундан 1 миллион 950 мингдан ортиғи ёвуз душман билан юзма-юз бўлиб, қонли жангларда иштирок этган. Бу ботир ва довюрак ўғлонларнинг 538 мингдан зиёди жанг майдонларида ҳалок бўлган. 158 минг нафардан кўпроғи бедарак кетган.

Ўзбекистонлик аскар ва офицерлардан 214 минг нафардан зиёди жанговар орден ва медаллар билан тақдирланган. Жумладан, 301 нафар юртдошимиз Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига, 70 нафари эса учала даражадаги "Слава" орденига сазовор бўлган.

Иккинчи жаҳон уруши даврида ўзбекистонлик офицерлар орасидан ўнлаб генераллар, моҳир қўмондонлар етишиб чиққан.

Ўзбекистон уруш йилларида фронт ортидаги мустаҳкам таъминот базасига айланди. Юртимиздан жанг майдонларига катта миқдорда қурол-яроғ, озиқ-овқат, дори-дармон, кийим-кечак, палатка, парашют ва бошқа зарур маҳсулотлар юборилган. Уруш бўлаётган ҳудудлардан Ўзбекистонга 170 дан ортиқ завод ва фабрикалар кўчириб келтирилиб, тезлик билан ишга туширилган. Ўзбекистон аҳолиси 1941 — 1943 йилларда мудофаа фондига 475 миллион рублдан ортиқ маблағни, 22 миллион рубллик қимматбаҳо шахсий буюмларини ихтиёрий равишда топширгани ғалабани яқинлаштиришга яна бир муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Ўша суронли йилларда халқимиз гуманизм ва инсонийлик бобида ўзига хос тарихий мактаб яратди. Уруш алангаси ичида қолган ҳудудлардан кўчириб келтирилган, турли миллатга мансуб 1 миллион 500 мингга яқин инсонлар Ўзбекистондан паноҳ топди. Уларнинг орасида 250 мингдан зиёд етим болалар ҳам бор эди. Халқимиз бу болаларга меҳр берди, сўнгги бурда нонини ҳам улар билан баҳам кўрди.

Халқимизнинг юксак жасорати ва бағрикенглигини тасдиқловчи ушбу тарихий далиллар халқаро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилган.

Юртимизда Иккинчи жаҳон урушида жанг қилган ва фронт ортида фидокорона меҳнат қилган аждодларимизнинг жасоратини абадийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уруш қатнашчилари ва ногиронлари ҳар йили рағбатлантирилмоқда. Тошкент шаҳрида улкан "Ғалаба боғи" ёдгорлик мажмуаси очилди, шу кунгача у ерга 2 миллион 200 минг нафардан зиёд зиёратчилар ташриф буюрди.

Тадбирдан сўнг Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Президенти Владимир Путин ва бошқа давлатлар етакчилари билан бирга Александр боғидаги "Номаълум аскар" ёдгорлигига гулчамбар қўйди.

Ёдгорлик Иккинчи жаҳон урушида Ватан учун жонини фидо қилган турли миллатларга мансуб миллионлаб аскарлар, шу жумладан, ўзбек ўғлонларининг қаҳрамонлиги ва жасорати рамзидир.

Президентлар бир дақиқалик сукут билан аскарлар хотирасига ҳурмат бажо келтирдилар.

Маросим якунида фахрий қоровул ва оркестр тантанали равишда саф тортиб ўтди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерациясига амалий ташрифи якунланди.

**ЎзА.**

## Хотира ва Қадрлаш куни

# ЮКСАК ЭҲТИРОМ, ЭЪЗОЗ, ЭЪТИБОР

*Тинчлик, осойишталик, бугунги ёруғ ва саодатли кунлар учун кўрсатилган матонат ҳамда фидойилик асло унутилмайди. Кўп миллатли Ўзбекистон халқи ҳам ҳақиқий жасорат ва фидойилик кўрсатиб, фашизм устидан қозонилган ғалабага улкан ҳисса қўшди.*

*Юртимизда 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни ҳамда фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 79 йиллиги байрами муносабати билан хотира маросимлари, турли маданий-маърифий тадбирлар, "уч авлод учрашувлари" ўтказилди.*

*Тегишли вазирлик, идора ҳамда ташкилотлар, ҳарбий қисмлар раҳбарлари иштирокида уруш ва меҳнат фахрийлари, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ҳамда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг оила аъзоларига табрик ва совғалар топширишга бағишланган маросимлар тантанали ташкил этилди, десак, айни ҳақиқат.*

### Ота-боболар жасоратини эслаб...

Фарғона шаҳридаги Ватанпарварлар боғида 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни ҳамда фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 79 йиллиги байрами муносабати билан тадбир бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимлиги, Шарқий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги, вилоят мудофаа, ҳуқуқ-тартибот органлари раҳбарлари, вилоят бошқармалари ва ташкилотлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида мажмуа пойига гулчамбарлар қўйилди.

— Бу каби тадбирлар ота-боболар жасоратини яна бир бор эсга олиш ва бугунги тинч-осойишта ҳаёт қадрига етишда жуда муҳимдир, — дейди меҳнат фахрийси Шавкатжон Тўйчиев. — Шу боис ҳар йили қутлуғ сана муносабати билан набираларимни мазкур мажмуага олиб келаман. Хиёбонни айлантириш асносида уларга тарихдан сабоқлар бераман.

Қолаверса, байрам сабаб қадрдонларни йўқлаймиз. Миллий қадриятларни авайлаб асрашда бундай тадбирларнинг аҳамияти беқиёс.

### Эл-юрт ардоғидаги инсонлар

Маълумотларга кўра уруш йилларида Хоразмдан 67 минг 300 нафар мард йигит елкама-елка туриб жанг қилган бўлса, шулардан атиги 21 минг нафардан ортиғи юртимизга эсон-омон қайтиб келган.

Ҳозирги кунда вилоятда 5 нафар уруш қатнашчиси ва 320 нафар фронт орти меҳнат фахрийси эл-юрт ардоғида истиқомат қилмоқда. Бир асрлик тарихнинг жонли гувоҳи бўлган бу табаррук нуронийлар давлатимизнинг доимий эътибори ва эъзозида.

Урганч шаҳридаги "Мотамсаро она" ёдгорлиги мажмуасида санага бағишлаб ўтказилган тадбирда меҳнат фахрийлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳарбий хизматчилар, ёшлар "Мотамсаро она" ҳайкали пойига алвон гулчамбарлар қўйиб, жанг майдонларида қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган ота-боболаримизнинг букилмас иродаси, жасорати ва матонатини ёд этиб, ҳурмат бажо келтирди.

### «Кўрсатилаётган ғамхўрлик умримизга умр қўшмоқда»

Навоий вилоятида ҳам Хотира ва Қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 79 йиллиги кенг нишонланди.

Вилоят ҳудудидан урушга отланган йигитларнинг саккиз минг нафардан ортиғи жанггоҳлардан қайтмаган. Қайтган ва шу дориламон кунларда биз билан ҳамнафас бўлаётганлар эса бугун вилоятда тўрт нафарни ташкил этади.

➡ 2

## Халқаро форум олдидан

# Инклюзив ва тенг ҳуқуқли жамият яратиш йўлидаги муҳим қадам

*Хабар бериб келинаётганидек, шу йил 13-14 май кунлари Самарқанд шаҳрида "Хотин-қизларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳуқуқ ҳамда имкониятларини кенгайтириш масалаларига минтақавий ёндашув" мавзуида Осиё хотин-қизлари форуми ўтказилади.*

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида минтақа мамлакатлари етакчи аёлларининг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларнинг давлат ва жамият бошқаруви ҳамда иқтисодиётдаги иштирокини янада кенгайтириш борасида ўзаро тажриба алмашинувини йўлга қўйиш мақсадида илгари сурилган ташаббуси асосида ташкил этилаётган ушбу нуфузли анжуман ўз самарасини бериши, шубҳасиз. Негаки, бу форумнинг минтақа аёллари салоҳиятини юзага чиқарувчи муҳим мулоқот майдони бўлиши кутилмоқда.*

*Хорижлик мутахассислар ўзларининг бу борадаги фикрларини шундай ифода этишди.*

**Жерен Гувен ГУРЕС,**
**«БМТ-Аёллар» тузилмасининг Ўзбекистон бўйича вакили:**

— Ўзбекистон ҳукуматига мамлакатда гендер тенглик ҳамда аёллар ва қизлар ҳуқуқларини таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари, бу борадаги садоқати учун ўз миннатдорлигимизни билдирамиз. Осиё аёллар форумининг Ўзбекистон ҳукумати томонидан мувофиқлаштирилгани таҳсинга лойиқ, бу унинг минтақада гендер тенглик ва хотин-қизлар ҳуқуқларини кенгайтириш борасидаги етакчилигини кўрсатади.

Биз Ўзбекистонда гендер тенглик ва аёллар ҳуқуқларини кенгайтириш борасидаги ижобий ўзгаришларни алоҳида қайд этамиз, бу эса янада инклюзив ва тенг ҳуқуқли жамият яратиш йўлидаги муҳим қадамдир. "БМТ-Аёллар" ташкилоти Ўзбекистоннинг саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашда давом этади. Биз Осиё аёллар форумига техник кўмак кўрсатганимиздан беҳад шодмиз.

"БМТ-Аёллар" ташкилоти Ўзбекистон билан аёллар ва қизларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш, улар учун муносиб иш ва турмуш шароитлари яратиш йўлида алоқани давом эттиришга интилади. Мамлакатингиз билан ҳамкорликни мустаҳкамлашдан манфаатдормиз. Жараён бошидан охиригача Ўзбекистон ҳукумати, айниқса, парламентига, шу жумладан, Сенатга елкадош бўлганимиздан мамнунлигимизни айтмоқчимиз.

**Ольга ШПИЛЕВСКАЯ,**
**Беларусь аёллар иттифоқи раиси:**

— Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида энг катта улушга эга давлатлар Осиё минтақасида жойлашгани боис ушбу форумдаги иштирокимиз биз учун муҳим. Сабаби биз бу давлатлар қанчалик жадал ривожланаётганини кўриб турибмиз. Биз улар ютуқларини соғлиқни сақлаш, инновациялар соҳаларида ҳам, айрим технологик ечимларда ҳам кўряпмиз. Шу боис тажриба алмашиш жуда фойдали, деб ҳисоблаймиз.

Таъкидлаш жоизки, Беларусь ва Ўзбекистон аёллари ўртасида азалдан дўстона муносабатлар мавжуд. Айнан дўстлик ришталари аллақачон барча соҳа ва йўналишларда шаклланиб улгурган.

Форум 10 та бўлимдан иборат бўлиб, ҳар бир соҳа кенг доирада муҳокама қилинади, гендер тенглик ва хотин-қизларнинг иқтисодиётдаги, давлат бошқарувидаги, жамият ҳаётидаги иштироки, атроф-муҳит ва оилавий муаммолар қамраб олинади. Буларнинг барчаси аёллар учун манфаатлидир. Ўйлаймизки, тажриба алмашиш ва мулоқотлар барча мамлакат аёлларига бирдек фойда келтиради.

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоевага ушбу форумга Беларусь аёллар иттифоқини таклиф қилгани учун миннатдорлик изҳор этамиз. Негаки, бизнинг хотин-қизларимизнинг сиз билан бўлишмоқчи бўлган маълумотлари кўп.

Чунки бизнинг фаолиятимиз ва жамоат ташкилотимиз барча йўналиш, жумладан, бизнес ва соғлиқни сақлаш соҳаларини қамраб олган. Ва бугунги кунда мамлакатимизда аёлларнинг давлат бошқарувидаги иштироки катта, шунинг учун биз ўз тажрибамиз билан ўртоқлашишдан жуда мамнунмиз.

**«Ҳалқ сўзи».**

## Муносабат

# ЎТГАНЛАРНИ ЁД ЭТИШ, ТИРИКЛАРНИ ҚАДРЛАШ – УЛУҒ ҚАДРИЯТ

*Эзгу анъаналаримиз кўп. Масалан, ўтганларни хотирлаш, эл-юрт равнақи йўлида машаққат чеккан инсонларни эъзозлаш биз учун яхши одатга айланган. Айниқса, истиқлол йилларида ушбу масалага алоҳида эътибор қаратиб келиняпти. Хусусан, 1999 йилдан бошлаб юртимизда 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни сифатида кенг нишонланиб келинмоқда.*

Яқинда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "9 май — Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони ана шу эзгу саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми бўлди.

Аҳамиятлиси, бу сана мамлакатимизда нафақат Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини хотирлаш, шу билан бирга, юртимиз, халқимиз озодлиги ва бугунги ёруғ кунлар учун жон фидо қилган маърифатпарвар жадидларимиз, қатағон сиёсати қурбони бўлган адабиёт, санъат ва маданият намояндалари, ҳозирги осойишта кунлар, чегараларимиз дахлсизлиги йўлида ўз жонини берган ватандошларимизни ёд этиш, улар хотирасига ҳурмат бажо келтириш куни сифатида нишонланади.

Жафокаш халқимиз асрлар мобайнида не-не оғир синовлар, машаққат ва мусибатларни бошидан кечирмади дейсиз. Турли синовлар ҳамда машаққатлар олийжаноб ва матонатли халқимизнинг инсонийлик фазилатларига янада жило берди, мустаҳкамлади, тоблади.

Маълумотларга кўра "катта қирғин" деб ном олган 1937 — 1953 йилларда Ўзбекистондан 100 мингдан кўп инсонлар қатағонга учраган, шундан 13 минг нафари отиб ташланган. Иккинчи жаҳон уруши даврида 1 миллион 950 мингдан ортиқ ўзбекистонлик фронтга сафарбар этилган. Агар ўша пайтда аҳоли сони 6,5 миллион нафар бўлганини ҳисобга олсак, ҳар уч кишидан биттаси қўлига қурол олган бўлиб чиқади. Ачинарлиси, 538 мингдан зиёд юртдошларимиз уруш майдонларида ҳалок бўлган.

Яна бир аҳамиятли томони шундаки, Иккинчи жаҳон уруши йилларида юртимизга 1,5 миллиондан зиёд кишилар кўчириб келтирилган, уларнинг 250 минг нафари болалар эди.

➡ 2

# Мардлик ва матонат асло унутилмайди

*9 май — Хотира ва Қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 79 йиллиги республикамиз бўйлаб кенг нишонланяпти. Фуқароларимиз барча вилоят ва туманларда барпо этилган Хотира майдонларига келиб, "Мотамсаро она" ҳайкали пойига гуллар қўймоқда. Урушда ҳалок бўлган ўз яқинлари, ота-боболари хотирасини ёд этишаётир. Бугунги ёруғ кунларга етиб келган табаррук кексаларимиз, уруш ва меҳнат фахрийларини зиёрат қилиб, уларнинг дуосини олаётир.*

Шукуҳли байрам кунларида халқимиз бундай даҳшатли уруш энди ҳеч қачон қайтмасин, деб чин дилдан ният қилишяпти. Тинч ва осойишта, фаровон ҳаёт учун шукрона қилмоқда. Бу бежиз эмас. Чунки мислсиз йўқотиш, катта талафот ва мусибат келтирган бу урушда миллионлаб инсонлар ҳалок бўлди. Фашизм устидан ғалаба қозониш, тинчлик ўрнатишда Ўзбекистон халқи ҳам барча тинчликпарвар эллар қатори катта жасорат кўрсатди.

Ўша оғир йилларда фронтга сафарбар этилган 1 миллион 950 мингдан зиёд ўзбекистонлик жангчилардан 538 мингдан кўпроғи ҳалок бўлди. 158 мингдан ортиғи бедарак йўқолди. 870 мингдан ошиғи турли жароҳатлар олган бўлса, 60 минг нафардан зиёди эса ногирон бўлиб қайтди.

Ушбу рақамларнинг ўзи ҳам бу ғалаба биз учун нақадар қимматга тушганини яққол кўрсатиб турибди. Ана шу қирғинбарот уруш халқимиз қалбида қолдирган битмас жароҳатни, орадан шунча вақт ўтган бўлса-да, ҳамон унутиб бўлмайди.

Метин иродали халқимиз ўша таҳликали йилларда фронт ортида сабот ва матонат билан меҳнат қилди. Саноат корхоналарининг фаолияти фронт эҳтиёжлари учун йўналтирилди.

➡ 2

**Жанг майдонларидан омон қайтиб, мамлакатимиз равнақи йўлида фидокорона хизмат қилган, бугунги кунда эзгу дуолари билан ҳаётимизнинг файзу фариштаси бўлиб келаётган қадрли уруш ва меҳнат фахрийларига чексиз ташаккуримизни изҳор этамиз.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**



# ЮКСАК ЭҲТИРОМ, ЭЪЗОЗ, ЭЪТИБОР

⇐1

— Шундай замон ва давронни раво кўрганлигининг ўзи Яратганнинг бизларга бениҳоя катта инояти, — дейди Ғозғон шаҳрида истиқомат қилаётган Турсунқул ота Эргашев. — Юртбошимизнинг ҳар йилги ғамхўрлиги эса умримизга умр қўшмоқда. Мамлакатимизда ҳар доим тинчлик ва фаровонлик ҳукм сурсин.

Байрам муносабати билан вилоят ва шаҳар ҳокимлиги, давлат ҳамда жамоат ташкилотлари раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакиллари уруш фахрийларининг хонадонларида бўлиб, уларни байрам билан қутлашди. Президентимизнинг Фармонига кўра 20 миллион сўмдан пул мукофоти, эсдалик совғалари ҳамда байрам туҳфалари топширилди.

## Тинчлик — тараққиёт гарови

Тинчлик-хотиржамлик — тараққиёт гарови. Биз азал-азалдан ушбу неъматни эъзозлаган халқмиз. Бизда ҳамиша у қадрланади. Ота-боболаримиз дуо қилаётганда ҳам ҳамиша тинчлик-хотиржамлик бўлсин, дея таъкидлашади. 9 майни Хотира ва Қадрлаш куни тарзида умумхалқ байрами сифатида нишонлаб келаётганимиз замирида ҳам айнан ана шу эзгу мақсад ётибди.

Жиззах шаҳридаги Хотира хиёбонида сана муносабати билан вилоят ҳокимлиги, меҳнат фахрийлари, корхона ва ташкилотлар жамоалари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари "Мотамсаро она" ҳайкали пойига гул қўйиш учун тўпландилар.

Маросимни вилоят ҳокими сектор раҳбарлари, фаоллар иштирокида юрт ҳимояси йўлида жон фидо қилган аждодларимиз хотирасига эҳтиром сифатида гул қўйиш билан бошлаб берди. Оркестр садолари остида Ватан ҳимоясининг рамзи бўлган Мотамсаро она сиймосига ҳурмат бажо келтирилди.

Шундан сўнг вилоят ҳокими Эргаш Салиев ва Марказий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони, полковник Фаррух Зиябоев Шароф Рашидов туmани, Қўшкўприк маҳалласида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши фахрийси Мамашариф ота Сиддиқов хонадонига ташриф буюришди. Вилоят ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президентининг табригини ўқиб эшиттириб, отахонга аталган пул мукофотини топширди.

Иккинчи жаҳон урушида жанг қилган инсонларнинг ҳаёт йўли мисолида ёшларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, бугунги осойишта кунлар учун муносиб ҳисса қўшган, жасорат кўрсатган матонатли инсонларга меҳр-мурувват кўрсатишга қаратилган ана шундай байрам тадбирлари мамлакатимизнинг барча ҳудудида кўтаринки руҳда ўтказилди.

**«Халқ сўзи».**

# Мардлик ва матонат асло унутилмайди

⇐1

Уруш алангаси ичида қолган ҳудудлардан мамлакатимизга 170 дан ортиқ завод ва фабрикалар кўчириб келтирилди ва қисқа муддатда уларнинг фаолияти қайта тикланди.

Давлатимиз раҳбарининг Хотира ва Қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 79 йиллиги муносабати билан халқимизга йўллаган табригида бу фактлар алоҳида тилга олинди.

Дарҳақиқат, инсоният тақдири ва келажаги ҳал бўлаётган ўша суронли йилларда Ўзбекистон фронтнинг мустаҳкам таъминот базаси бўлиб хизмат қилди. "Ҳамма нарса — фронт учун, ҳамма нарса — Ғалаба учун!" деган ғоя эл-юртимизнинг ҳаётий эътиқодига айланди. Халқимиз туну кун тинимсиз меҳнат қилиб, улкан миқдордаги озиқ-овқат, кийим-кечак, қурол-аслаҳа, дори-дармон захираларини жанг майдонларига узлуксиз етказиб берди. Бу халқимизга хос фидойилик, элпарварлик, каби олийжаноб фазилатларнинг амалий ифодасидир.

Шу нуқтаи назардан, сўнгги йилларда ушбу байрамнинг мазмун-моҳияти буткул ўзгариб, у халқ хотираси ва инсонни қадрлаш кунига айланди. Уруш фахрийлари халқимизнинг доимий эътибори ва эъзозида бўлиб келмоқда.

Президентимизнинг яқинда қабул қилинган "Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида уларнинг ҳар бирига тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатилиб, улар парвариши учун тиббиёт ходимларини (шартнома асосида) бириктирган ҳолда доимий равишда патронаж хизмати йўлга қўйилиши белгиланди.

Мазкур ҳужжат асосида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фронт ортида меҳнат қилган фахрийлар уйига бориб, ўша ернинг ўзида кўнгилочар тадбирлар ташкил этилмоқда. Бу, ўз навбатида, бугунги ёш авлод қалбида ватанпарварлик ва юртга садоқат туйғуларини шакллантиришга хизмат қилади.

Президентимиз ташаббуси билан пойтахтимизда барпо этилган "Ғалаба боғи" ёдгорлик мажмуаси ҳам ана шу ўзбекона фалсафа, таъбир жоиз бўлса, халқона сиёсатнинг амалдаги ёрқин натижасидир. Бундай бунёдкорона ёндашув янги Ўзбекистоннинг шиддатли ислоҳотларига хос муҳим хусусият ҳамдир.

Айтиш жоизки, бу бетакрор мажмуа ҳам меъморий жиҳатдан, ҳам тарихий-маънавий жиҳатдан ғоят ноёб ва маҳобатли обида ҳисобланади. Бу, ўз навбатида, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган неча минглаб ватандошларимиз хотирасини ёд этиш, оловли жанглардан омон қайтган боболаримизга ҳурмат-эҳтиром ва эъзоз кўрсатиш мамлакатимизда давлат сиёсатига айланганининг ифодасидир.

Ўтган қисқа вақт ичида халқимиз жасоратининг тимсоли сифатида бунёд қилинган муҳташам "Ғалаба боғи" ёдгорлик мажмуаси қутлуғ қадамжога айланди. Буни ҳозирги кунга қадар бу ерга 2 миллион 200 минг нафардан зиёд зиёратчилар келиб, уни катта қизиқиш ва эътибор билан томоша қилгани ҳам яққол тасдиқлайди.

Ғалаба боғида аҳолининг тарих билан ҳамнафас бўлиб, ўтганлар хотирасини ёд этиши, уларга ҳурмат бажо келтириши, мазмунли дам олиш, оммавий маданий тадбирлар, ижодий учрашувлар, адабий кечалар ўтказиш учун барча шароит яратилган. Айниқса, мажмуадаги ҳар бир экспозиция, тимсол ва битиклар мудҳиш уруш ҳақиқатларини ифода этади.

Президентимиз ташаббуси билан Ғалаба боғи ҳудудида яна бир мажмуа — Мустақиллик фидойилари хиёбони ташкил этилиши айни муддао. Куни кеча ушбу мажмуа лойиҳаси тақдимот қилинди.

Ғалаба боғи таркибида ушбу хиёбонга асос солиниши эл-юртимиз қалбидаги орзу-армон ва эзгу интилишларни рўёбга чиқаришга хизмат қилишига ишонаман. Истиқлол йилларида халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини ҳимоя қилиш йўлида ҳалок бўлган мард ва жасур ўғлонларимизнинг азиз хотирасига эҳтиром кўрсатиш, улар хотирасини абадийлаштириш барчамиз учун ҳам фарз, ҳам қарздир.

Умуман олганда, аждодларни хотирлаш, эъзозлаш уларнинг номларини фақат тадбирларда ёдга олиш билан чекланмайди. Президентимиз таъкидлаганидек, ҳеч шубҳасиз, биз бугунги озод ва эркин ҳаёт учун азиз жонини аямасдан курашган улуғ инсонлар олдида доимо қарздормиз, улар учун бундан буён ҳам барча шароитни яратиб берамиз.

**Одинахон ОТАХОНОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# ЎТГАНЛАРНИ ЁД ЭТИШ, ТИРИКЛАРНИ ҚАДРЛАШ – УЛУҒ ҚАДРИЯТ

⇐1

Уруш болаларини халқимиз ўз фарзанди қаторида бағрига олди, уларга нон-туз баробарида меҳрини берди. Масалан, Шоаҳмад Шомаҳмудов ва унинг аёли Баҳри ая Акрамова, каттақўрғонлик Ҳамид Самадов ва Фотима Қосимова каби меҳмондўст ва бағрикенг ўзбек оилалари томонидан уруш туфайли ота-онасидан айрилган ўн минглаб етим болалар тарбияга олинди, уларга меҳр кўрсатилди.

Ўзбекистонга нафақат болалар, балки болалар уйлари ҳам кўчириб келтирилган. Биргина 1941-1942 йиллар давомида юртимизга фронтга яқин ҳудудлардан 78 та болалар уйи эвакуация қилинган, шундан 5 таси Тошкент шаҳрига, 4 таси Самарқанд, 9 таси Наманган, 13 таси Андижон, 9 таси Бухоро вилоятига, 10 таси эса Фарғона шаҳрига жойлаштирилган.

Айтаверсак, бундай маълумотлар жуда кўп. Муҳими, халқимизга хос ана шу меҳр-мурувват бугун ҳам давом этмоқда. 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан халқимизнинг эзгу фазилатлари янада ёрқин намоён бўлаётгани мисолида ҳам буни кўриш мумкин.

Иккинчи жаҳон урушида бевосита ва фронт ортида иштирок этган, жанг даҳшатларига гувоҳ бўлган юртдошларимиз сафи тобора камайиб боргани сари уларга бўлган эътибор ва ғамхўрлик кўлами кенгаймоқда. Ёшликнинг навқирон чоғларини жанг майдонлари, уруш оловларида ўтказиб, бугунги тинч-осойишта ҳаётимиз учун курашган инсонлар жасорати эътироф этилиб, муносиб рағбатлантирилмоқда.

Шу ўринда сўзимиз аввалида келтирилган фикрга яна қайтамиз: Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган минглаб ўғлонларимиз хотирасини ёд этиш, оловли жанггоҳлардан омон қайтган боболаримизга, оғир кунларни сабр-бардош билан енгган, машаққатли дамда ҳам ўзлигини сақлаган, имони бутун, матонатли юртдошларимизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш том маънода миллий қадрият даражасига кўтарилди. Бу эса юртимиз эртаси бўлган ёшларимизни ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, аждодларимиз эзгу анъаналаридан фахрланиш руҳида тарбиялаш, муҳими, уларга муносиб ворислар сифатида камолга етказишда катта аҳамият касб этмоқда.

**Малика ҚОДИРХОНОВА,**
**Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси.**

# «БУ УРУШНИ БИЗ КЎРДИК, КЕЛАЖАК АВЛОДЛАР КЎРМАСИН»



*Шаҳрисабз туманидаги Қутчи қишлоғи пурвиқор Ҳисор тоғ тизмалари биқинида, сўлим ва сокин гўшада жойлашган. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси 104 ёшли Сайдулло бобо Жабборов ана шу қишлоқда истиқомат қилади.*

Сайдулло бобо ёшига нисбатан анча тетик, бардам, ҳаракатчан. Деярли ҳар куни невара-чевараларини эргаштириб ҳовлиси ортидаги бир пайтлар ўзи яратган боғни айланишни канда қилмайди. Дарахтларга шакл бериш, ўғитлаш, ерни юмшатиш каби юмушларга ҳам ўзи бош-қош.

Биз борган куни ҳам Сайдулло бобо неваралари билан бирга боғда андармон экан. Аввалига бизни бу ердаги дарахтлар, уларнинг тури, хусусиятлари билан обдан таништирди. Шундан сўнг суҳбатимиз у кишининг кўп ҳам эслашни истамайдиган хотиралари — Иккинчи жаҳон уруши мавзусига кўчди.

— 1941 йили 21 ёшли навқирон йигит эдим, — дея эслайди Сайдулло бобо. — Урушнинг дастлабки кунлариданоқ жангга отланганман. Аввал артиллерия дивизионида ўқловчи бўлдим. Ўша йили Сталинград, ҳозирги Волгоград шаҳри остонасидаги жангларда иштирок этдим. Жароҳат олдим, соғайиб яна жангга қайтдим. У дамлар жуда оғир эди, ҳар лаҳза ўлим билан юзма-юз эдик. Урушнинг бор даҳшатини, унинг инсоният бошига келтирган ваҳшатини ана ўшанда англаганман. Жангда инсон ҳаётининг заррача аҳамияти йўқ экан. Бир кунда ўнлаб сафдошларимиздан айрилардик...

Вақт ўтгани сари душманнинг ҳам шашти сўниб, ортга тисарила бошлади. Бу пайтда навқирон Сайдулло бобони танкчилар қисмига ўтказишади. У кейин Латвия ва Литва ҳудудларида жанг қилади. 1945 йил бошига келиб фашистлар кўплаб ҳудудлардан тамомила чекинади. Сафида Сайдулло Жабборов бўлган қисм бу пайтда Рига шаҳридан душманни қуваётганди. Талвасадаги душманнинг кичик-кичик гуруҳларига дуч келинар, улар эса сўнгги илинж билан қарши томон жангчиларига кўпроқ талафот етказишга ҳаракат қиларди.

Сайдулло Жабборов 1945 йилнинг 9 май куни ҳам шу шаҳарни душман аскарларидан тозалашда иштирок этади. У ва сафдошлари ногоҳ уч-тўртта фашист аскари яшириниб ётган пистирмага дуч келади. Чорасиз қолган душман ўт очади. Ушбу қарама-қаршиликда бир неча сафдошлари қаторида Сайдулло ҳам оғир жароҳат олади. У уруш тугаганини орадан бир неча кун ўтиб Воронеждаги ҳарбий госпиталда ҳушига келганида эшитади. 1946 йили икки қўлтиқтаёқда госпиталдан чиқиб, кўкси тўла орден ва медаллар билан уйига қайтади.

— Уйга қайтиб, урушнинг даҳшатини янада теранроқ ҳис этдим, — дея хўрсинади отахон. — Қишлоқда жуда кўп хонадонлар суянчидан, фарзандлар оталаридан айрилган, ҳаммада тушкунлик кайфияти. Боз устига очарчилик, бир бурда нон топиш машаққат... Хуллас, у кунларни эслаш жуда оғир, аммо унутиб ҳам бўлмайди.

Шундан сўнг Сайдулло бобо бир неча йил давомида бор кучи, шижоатини издан чиқиб кетган қишлоқ хўжалигини қайта тиклашга сарфлайди. Ўтган асрнинг 60-йилларида бошланган Қарши чўлини ўзлаштиришга биринчилардан бўлиб отланади. Нишон ва Қарши туманларидаги хўжаликларда дастлаб оддий ишчи, салкам чорак аср бригадир, уч йил хўжалик раҳбари бўлиб ишлаган Сайдулло Жабборов бир неча маротаба меҳнатда ўрнак кўрсатгани, муваффақиятли фаолияти учун орден ва медаллар билан мукофотланади. Ҳатто нафақага чиқиб ҳам анча йил қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилди.

Пиру бадавлат отахон бугун фарзандлари, невара-чевaралари ардоғида умргузаронлик қилмоқда.

— Бу урушни биз кўрдик, келажак авлодлар кўрмасин, — дейди Сайдулло бобо. — Тилимда ҳам, дилимда ҳам шуни сўрайман. Бугун юртимиздаги осудалик, хотиржамлик, фаровонликни таърифлашга қиёс йўқ. Биз, кексаларга, уруш қатнашчиларига кўрсатилаётган эътиборни айтмайсизми? Хонадонимиздан сўраб келувчилар, ҳолимдан хабар олувчиларнинг кети узилмайди. Яна қайда бор бундай эъзоз, эътибор?!

Урушда, ҳаёти қил устида турган лаҳзаларда бугунги дориламон кунларни, шундай фаровон ҳаёт кечиришини тасаввур ҳам қила олмаган Сайдулло Жабборов ҳар тонг невараларининг шодон кулгиларини эшитиб, Яратганга шукрона айтади. Юртимизда тинчлик, тўкинлик бардавом бўлишини сўраб дуога қўл очади.

**Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ЭНГ КАТТА МУКОФОТ

*Иккинчи жаҳон урушига Бухородан 73 минг 688 нафар айни кучга тўлган юртдошимиз жўнаб кетган бўлса, она юртга қайтиш уларнинг 30 мингдан зиёдроғига насиб этди холос. Вақт ўз ҳукмини ўтказмоқда. Бугунги кунга келиб вилоятда урушда қатнашган инсонларнинг атиги етти нафари умргузаронлик қилмоқда.*



— Армияга чақирув қоғози келганида мактабнинг битирувчи синфида ўқирдим, — дея эслайди уларнинг бири, пешкулик Назар Шеров. — Тенгдошларимга нисбатан бўйчан, мўйлови сабза ураётган йигитча эдим. Военком деганлари бўй-бастимга қараб, "Армияга борасан", деди. Ўшанда 1943 йили эди. Урушда уч бор яраландим. Фашизм устидан қозонилган ғалабадан кейин ҳам Германияда қолиб хизмат бурчимни давом эттиришимга тўғри келди. Ҳозир 98 ёшдаман. Давлатимиздан, қўни-қўшни, маҳалладош, қариндош-уруғ, фарзанду набираларимдан мингдан-минг розиман. Уларнинг эътибори, ғамхўрлиги мен учун энг катта мукофот.

Айтмоқчи, бугун Назар ота яшайдиган Талисобун қишлоғидаги ҳовли байрамона тус олди. Вилоят раҳбарлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари масъуллари, жамоатчилик вакиллари, ёшлар Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан олотлик Ҳожимурот Бектошев, Бухоро туманида яшовчи Файзулло Ҳожиев, Бухоро шаҳрида истиқомат қилаётган Норбой Қаршиев, Аҳмад Муҳсинов, Катизе Мансеитова, Райде Ресутова қатори Назар Шеров хонадонида ҳам бўлиб, уруш фахрийларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатишди.

Учрашувда давлатимиз раҳбарининг Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 79 йиллиги ҳамда Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан йўллаган байрам табриги ўқиб эшиттирилди. 20 миллион сўм миқдоридаги пул мукофоти ва байрам совғалари топширилди.

Тинчлик, истиқлол, она юртни улуғловчи куй-қўшиқлар, шеърлар даврага ўзгача файз бағишлади.

**Истам ИБРОҲИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# «БУНДАЙ ҚУВОНЧ ШУКУҲИНИ СЎЗ БИЛАН ИФОДАЛАШ ҚИЙИН»

*Бугунги кунда Сирдарё вилоятида Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган ягона, яъни атиги бир нафар фахрий умргузаронлик қилади. У инсон куни кеча Президентимиз ҳолидан хабар олган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларидан бири — Боёвут туманидаги Усмон Юсупов маҳалласида яшаётган Ускан ота Хаджиманов.*

...Ускан Хаджиманов 1943 йилда, айни навқирон йигит чоғида фронтга йўл олди. Москва остоналаридан то Кёнигсберг шаҳрини озод қилишгача бўлган жангларда иштирок этди. Ўзбекнинг довюрак ўғлони Одер дарёсини кечиб ўтишда жасорат кўрсатди. Яна кўплаб жангларда мардонавор қатнашиб, зиммасидаги жанговар вазифани шараф билан уддалади. Уруш охирлаб, ғалаба марралари яқинлашиб қолган бир пайтда оёғининг болдир қисмидан ярадор бўлди. Айни жароҳатни тузатиш учун госпиталда бир ярим йил даволанишига тўғри келди...

Ускан Хаджиманов она қишлоғи — Зомин туманидаги Аччига 1950 йилда қайтди. Орадан бир неча йил ўтиб Мирзачўлни ёппасига ўзлаштириш бошлангач, кўплар қатори унинг оиласи ҳам чўлқуварлар сафига қўшилиб янги ташкил бўлган Боёвут туманидаги "2-Боёвут" хўжалигига кўчиб келди ва шу ерда муқим яшаб қолди.

Собиқ жангчи 28 йил давомида хўжаликда ҳайдовчи сифатида самарали меҳнат қилди. Шу ерда унди-ўсди, ўзидан кўпайди. Ускан бобо ва турмуш ўртоғи Нowвотой момо 10 нафар фарзанднинг ота-си ва онаси деган бахтга сазовор бўлишди.

Ўтган йил поёнида бобо табаррук 100 ёшга тўлди. Улуғ ёшда бўлса-да, отахон ҳали тетик, бардам. Муҳими, кўнгли шод, давлатимиз, халқимизнинг юксак эътибори, эҳтиромидан миннатдор. Иккинчи жаҳон урушида кўп қаҳрамонликлар кўрсатган Ускан Хаджиманов, айниқса, Президентимиз у ва бошқа бир қанча уруш қатнашчилари даволанаётган госпиталга келиб, ҳолидан хабар олгани, Хотира ва Қадрлаш куни билан самимий табриклаганидан ниҳоятда қувонганини шодонлик билан изҳор қилади.



— Соғлиғимни мустаҳкамлаш учун пойтахтда даволанишда эдим. Шукр, катта эътибор ва малакали муолажалар яхши натижа бермоқда. Энг муҳими, кайфиятим аъло. Нега десангиз, мен даволанаётган хонага Президентимиз кириб келиб, ҳолимдан хабар олди. Бундай юксак эъзоз, эҳтиром шукуҳини сўз билан ифодалашим қийин. Шу азиз юртнинг фарзанди эканимдан жуда фахрландим. Яна айтар гапим шуки, мана шундай ёруғ кунлар, тинч ва фаровон замонга етказганига шукр. Юртимиз тинчлиги абадий бўлсин! Дунёда неки халқлар бор, ҳеч бири уруш кўрмасин.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

**Бирлашган Араб Амирликларининг Абу-Даби шаҳрида XIII йиллик инвестиция йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон делегацияси ҳам қатнашди.**

# САРМОЯДОР ЕТТИ ЎЛЧАБ БИР КЕСАДИ

*Сайёрамизда товар ва хизматларни етказиб бериш занжирларидаги узилишлар, халқаро савдонинг пасайиши, инвестиция оқимларининг камайиши, иқлим офатларининг кучайиши каби муаммолар шароитида учинчи Тошкент халқаро инвестиция форумининг ўтказилиши сармоядорларнинг тинч, хавфсиз, барқарор — Марказий Осиё минтақасига эътиборини қаратишга ундаши табиий. Зеро, Европа ва Яқин Шарқдаги зиддиятлар фонида жаҳон иқтисодиётининг ўсиш суръатлари сўнгги уч йил давомида анча пасайиб кетди. Ўзбекистонда эса халқаро сармоядорлар бемалол, эркин фаолият кўрсатиши учун йилдан-йилга муносиб шароитлар яратилмоқда, имтиёз ва кафолатлар тақдим этилаётир.*

## Нуқтаи назар



Барчамизга яхши аёнки, сармоядор пул тикишидан олдин чамалаб кўради. Яъни етти ўлчаб бир кесади. Демак, унга иқтисодий прогнозларни амалга оширса бўладиган муҳит керак, чунки бу хусусий сектор ва хорижий инвесторлар учун қулайликлардан биридир.

Ташқи дунёга очиқлик — ташқаридан билим ва технологияларни олиш услуби. Бу хоҳ савдо, хоҳ тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар орқали, хоҳ одамлар ҳаракати натижасида бўлсин, самараси дарров сезилади. Яна бир муҳим омил эса хусусийлаштириш жараёнининг жадал давом этаётганлиги. Бу шартларнинг барчаси юртимизда мужассам.

Хусусан, 2017 йилдан буён биз учун муҳим муваффақиятлардан бири, бу очиқлик бўлди. Кўплаб компаниялар ўз фаолиятини ўша даврдан бошлади, эркин савдо қилиш, валюта айирбошлаш имкониятлари яратилди. Компаниялар узоқ муддатли стратегияларни белгилаш мумкин бўлган муҳитда ишлай бошлади.

Хусусийлаштириш жараёни ҳам катта омил. Биргина Венгриянинг “ОТР” банки томонидан “Ипотека-банк” сотиб олингани банк соҳасида катта ютуқ бўлганини кўрдик. Бу шунчаки банк сотуви эмас, балки банк ишига муносабатнинг тубдан ўзгаришидир. Худди шундай ҳодиса биринчи тўлиқ рақамли банк бўлган Грузиянинг “ТВС” банкига ҳам таааллуқли. Унинг ёрдами билан тартибга солиш ва рақамли банкнинг бутун тизими қайта қурилди. Мухтасар айтганда, мамлакатимизда инвестиция ва бизнес муҳитини тубдан яхшилаш, бу йўлдаги тўсиқларни босқичма-босқич бартараф этиш учун қатъий қадамлар ташланди.

Давлатимиз раҳбари учинчи Тошкент халқаро инвестиция форумидаги нутқида таъкидлаганидек, иқтисодиётни эркинлаштириш, қулай инвестиция муҳитини яратиш, тадбиркорлар учун имкониятларни ҳар томонлама кенгайтириш асосий мақсад этиб белгиланди ва натижада сўнгги йилларда мамлакат иқтисодиёти қарийб икки баробар ўсди. 2023 йил якуни бўйича бу ўсиш 6 фоизни ташкил қилди. Инфляция 9 фоизгача пасайиб, охирги йилларда мамлакатимизда 60 миллиард доллардан зиёд хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки каби халқаро молия институтларининг 14 миллиард доллардан ортиқ маблағлари ижтимоий ва инфратузилма соҳаларига жалб қилинди.

Ўтган йилнинг ўзида хорижий инвестициялар ҳажми қарийб икки баробар кўпайди. Дунёнинг етакчи компаниялари ҳамда йирик брендлари билан 300 дан ортиқ инвестиция ва саноат лойиҳалари ишга туширилгани туфайли юз минглаб янги иш ўринлари очилди. Учинчи Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида эса дунёнинг илғор компаниялари ҳисобланган “Linde”, “Orascom”, “DataVolt”, “Bonafarm”, “PASHA holding” каби ҳамкорлар иштирокида янги йирик лойиҳаларга старт берилди.

Дунёда инвестицияларни жалб қилиш учун жадал рақобат кетаётган бир пайтда бу улкан муваффақиятдир. Гап шундаки, хорижий сармоядорлар эътиборини жалб қилишнинг бир йўли — ислоҳотларни ўтказишда жиддий натижага эришиш. Чунки бу мамлакат бизнес ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар учун очиқ эканидан далолат беради.

Инвесторларнинг айнан Ўзбекистонни танлаши сабаблари ҳақида тўхталсак, эндиликда хорижий сармоядорлар акциялардан олинаётган дивидендлар бўйича солиқлардан уч йил муддатга озод этилгани, “Хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонун қабул қилингани муҳим омил бўлди, десак, муболаға эмас. Бундан ташқари, 250 та йирик корхонанинг давлат улушини ва салкам 1000 та кўчмас мулк объектларини сотиш, 12 та корхона акцияларини фонд бозорларида бирламчи оммавий жойлаштириш (IPO) учун янги дастур ишга туширилгани яна бир қулайлик бўлди.



> *Ўтган йилнинг ўзида хорижий инвестициялар ҳажми қарийб икки баробар кўпайди. Дунёнинг етакчи компаниялари ҳамда йирик брендлари билан 300 дан ортиқ инвестиция ва саноат лойиҳалари ишга туширилгани туфайли юз минглаб янги иш ўринлари очилди. Учинчи Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида эса дунёнинг илғор компаниялари ҳисобланган “Linde”, “Orascom”, “DataVolt”, “Bonafarm”, “PASHA holding” каби ҳамкорлар иштирокида янги йирик лойиҳаларга старт берилди.*

Тадбиркорлар барқарорлиги рейтинги жорий этилди. Юқори рейтингга эга тадбиркорлик субъектлари учун солиқ текширувлари ўтказилмайди. Энергетика йўналишидаги давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тажрибасини ижтимоий ва бошқа инфратузилма соҳаларида ҳам кенг татбиқ этиш режалаштирилган. Айниқса, Хитойнинг “Ситик” ва “Камсе” компаниялари билан ирригация ва автомобиль йўллари, Франциянинг “Suez” ва “Veolia” компаниялари билан ичимлик суви таъминоти, “Inter Health” ва “Pure Health” араб компаниялари билан замонавий тиббиёт муассасаларини қуриш лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда.

Мамлакатимизда саноат зоналари инфратузилмасини бюджет маблағлари ҳисобидан ривожлантиришга катта аҳамият қаратилмоқда. Шунингдек, тадбиркорларга ер ажратишнинг замонавий шаффоф тамойиллари, яъни аукцион савдо тизими йўлга қўйилди. Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш доирасида қонунчиликни уйғунлаштиришга қаратилган 60 дан ортиқ норматив ҳужжатлар қабул қилинди.

Хорижий сармоядор коррупция кенг тарқалган мамлакатни ёқтирмайди. Бундай бозордан қочади. Шу нуқтаи назардан, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги тузилиб, 2030 йилгача мўлжалланган миллий стратегия ишлаб чиқилмоқда. Ўтган йили Тошкентда БМТ етакчилигида коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро тадбир ўтказилгани ҳам Ўзбекистоннинг нияти холислигини намойиш этди. Қолаверса, бизнес эгалари қонун устувор бўлган, суд мустақиллиги таъминланган юртга қўл чўзади. Чунки низоли ҳолатларда қонун устувор бўлмайдиган давлатда ютқазиб қўйишни истамайди. Низоларни адолатли ҳал этиш мақсадида Тошкент халқаро арбитраж маркази муваффақиятли иш бошлаган. Унинг таркибида АҚШ, Буюк Британия, Италия, Швеция, Хитой, БАА каби давлатлардан 90 дан ортиқ нуфузли ҳакамлар ўрин олган. Тез орада мамлакатимизда Рақамли технологиялар халқаро маркази ҳузурида Халқаро тижорат суди иш бошлайди. Ушбу суд Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимида алоҳида ўринга эга бўлади.

Ўзбекистоннинг инвесторлар учун зарур бўлган яна бир афзаллиги шундаки, сўнгги етти йилда олий таълим қамрови 9 фоиздан 42 фоизга ошди, олий ўқув юртлари сони 210 тадан кўпайди. Демак, юртимизда хорижий инвесторларни ишончли ва узоқ муддатли ҳамкорга айлантириш учун зарур бўладиган барча шароит мавжуд. Энг муҳими, давлатнинг ўзи инвесторлар ҳуқуқлари ишончли ҳимоя қилинишини, қулай инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини такомиллаштиришни, ҳалол рақобат учун кенг шарт-шароитлар яратишни, хусусий мулк дахлсизлиги ва суд тизимининг мустақиллиги таъминланишини ўз зиммасига олди.

Ўзбекистон 2030 йилгача 20 гигаваттдан ортиқ қайта тикланувчи энергия қувватларини яратиш ва энергетика балансида унинг улушини 40 фоизга етказишни мақсад қилган. Ўтган йилнинг ўзида 1,4 гигаватт қувватдаги йирик шамол ва қуёш электр станциялари “Masdar”, “Gezhouba”, “China Energy” компаниялари иштирокида ишга туширилди. Шунингдек, “ACWA Power” билан “яшил водород” ишлаб чиқариш лойиҳаси бошланган. Ўзбекистон қўшни Қирғизистон ва Тожикистон билан “Қамбарота” ГЭС ва “Роғун” ГЭС ҳамда бошқа электр станцияларини қуриш лойиҳаларида иштирок этяпти. Давлатимиз раҳбари ушбу йўналишда барча давлатлар етакчи компанияларини очиқ мулоқот ва амалий ҳамкорликка таклиф қилди.

Юртимизда давлат корхоналарини хусусийлаштиришга астойдил киришилган. Бу банк-молия соҳасида ҳам кўзга яққол ташланяпти. Сўнгги йилларда мамлакатимизда кўплаб хусусий банклар очилди. Бозоримизга Европанинг етакчи банклари кириб келди. Форум доирасида Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан Ўзбекистоннинг йирик банкларидан бири бўлган “Асака” банкни хусусийлаштириш бўйича битим имзоланди. Шунингдек, Халқаро молия корпорацияси, Осиё тараққиёт банки билан бошқа йирик банкларимизнинг трансформацияси ва хусусийлаштириш жараёнлари фаол олиб борилмоқда.

Ўзбекистон соҳага хорижий сармоялар оқими бир неча баробар ортиши, корпоратив бошқарув сифати ошиши, янги етакчи банк-молия институтлари кириб келишидан манфаатдор. Мамлакатимизда Менделеев даврий жадвалидаги деярли барча ер ости бойликлари бор. Бу хорижий инвесторни қизиқтириши мумкин бўлган яна бир йўналиш ҳисобланади.

Мамлакатимиз ахборот технологиялари соҳасида ҳам илғор давлатлар сафидан ўрин олишни мақсад қилган. IT соҳасида катта муваффақиятга эришилди ва бу тўрт босқични амалга оширишнинг ажойиб намунаси бўлди. IT-парк Ўзбекистоннинг жозибадорлигини ошириш учун барча имкониятни ишга солмоқда: аэропортда инвесторларни кутиб олади, виза, лицензия олишда ёрдам беради, барча ҳужжат ишлари имкон қадар тезроқ бажарилади ва ўз мажмуасида офис хоналари билан таъминлайди. IT соҳасида рўйхатдан ўтган компаниялар сони эса кундан-кун ортиб бормоқда.

Хорижий ҳамкорлар билан биргаликда олиб борилаётган амалий саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, бир йил ичида IT хизматлар ва дастурий маҳсулотлар экспорти икки баробар ошди. Келажакда бу кўрсаткични 5 миллиард АҚШ долларига етказиш режалаштирилган. Хорижий сармоядорлар ёрдамида мамлакатимизни рақамли иқтисодиётга ўтказиш ва сунъий интеллект асосида технологияларни жорий этишда улкан муваффақиятга эришиш мумкин.

Қулай ва замонавий транспорт тизимлари мамлакат иқтисодиётининг қон томири саналади. Бу йўлда пуллик автомобиль ва тезюрар темир йўлларни қуриш бўйича қўшма лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Хорижий шерикларимиз билан биргаликда Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон ва Ўзбекистон — Афғонистон — Покистон темир йўлларини қуриш бўйича дастлабки ишлар бошлаб юборилган. Ушбу стратегик лойиҳаларнинг амалга оширилиши минтақадаги геоиқтисодий вазиятни бутунлай ўзгартириб, Марказий Осиёни Шимол ва Жануб, Шарқ ва Ғарб билан боғлайдиган глобал транзит марказига айлантиради.

Албатта, бунинг учун инвесторлар ва халқаро ташкилотларнинг бу йирик минтақавий лойиҳаларда қатнашиши муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон меҳмондўстлик борасида қиёсий устунликка эга, чунки Буюк Ипак йўли мамлакатимиз шаҳарларини кесиб ўтган, у асрлар давомида карвонларни, савдогарларни қабул қилиб келган. Инвесторлар яхши турмуш даражасини исташади, бунга хавфсизлик, ресторанлар, қаҳвахоналар ва мактаблар сифати каби маданий омиллар ҳам киради.

Мамлакатимиз ўзининг географик жойлашуви, Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари, шунингдек, Афғонистон билан чегарадошлиги муҳим аҳамият касб этади. Ушбу марказий ҳудудсиз ҳар қандай минтақавий интеграция имконсиз бўлади. Шундай экан, юртимизда қўшни давлатлар билан сув-энергетика ресурслари соҳасида ҳамкорлик йўлга қўйилаётгани, чегара назоратини яхшилаш, товар айланмаларининг тўсиқсиз ҳаракатланишини таъминлаш бўйича муҳим келишувларга эришилаётганини бутун дунё кўриб, ҳис қилиб турибди. Бу омил инвесторларнинг минтақамизга қизиқишини янада ошириши табиий, албатта.

**Обиджон ҲАМИДОВ,**
**Бухоро давлат университети ректори, и.ф.д., профессор.**

# ФРАКЦИЯЛАР ҲАЁТИ

## ЎзЛиДеП

Шу ҳафтада бўлиб ўтган Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилганди. Муҳокамалар жараёнида Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси **Зафар Худойбердиев** лойиҳада субсидияларнинг турлари ва тақдим этиш тартиби аниқ очиб берилмаганлиги бўйича эътирозини билдирди.

*“Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонуннинг амалдаги таҳририда субсидияларнинг турлари аниқ ёзилган эди. Бироқ қонун лойиҳасида ушбу модда кескин қисқартирилиб, унинг турлари ва тақдим қилиш тартиби қонунчилик билан белгиланиши қайд этилганига қўшилмайман. Сабаби субсидияга талабгор ҳам, субсидия тақдим қилувчи идора ҳам унинг қандай турлари мавжудлиги бўйича маълумотни қонундан топиши керак. Шу боис амалдаги моддадаги айрим нормаларни чиқариб ташлаш эмас, балки уни замон талаби асосида тўлдириш ва бойитишни таклиф этаман”*, деди депутат.

## «Миллий тикланиш» ДП

Қуйи палатанинг яқинда бўлиб ўтган ялпи мажлисида депутатлар томонидан карантин остидаги маҳсулотларни мамлакатимизга олиб кириш талаблари енгиллаштирилишини назарда тутувчи қонун лойиҳаси қабул қилиниб, Сенатга юборилди.

Мунозаралар чоғида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси аъзоси **Бекмирза Эшмурзаев** масъул қўмита ташаббуси билан биргина нормага киритилган ўзгартиришни таҳририй жиҳатдан қайта кўриб чиқиш таклифини илгари сурди.

*“Қонун ташаббускорлари тақдим этган таҳрирда “экспорт қилинаётган давлатда фитосанитария сертификати берилмаса”, деб аниқ шарт ёзилган эди. Бироқ иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида ушбу норма “хорижий мамлакатларда” сўз бирикмалари билан бошланиши лойиҳанинг концепциясига қисман тўғри келмайди. Шу боис ушбу тушунчага аниқлик киритиш лозим ҳамда мазкур норма карантин остидаги маҳсулот “экспорт қилинаётган хорижий мамлакатда махсус давлат органи мавжуд бўлмаганда” мазмунида ўзгартирилгани маъқул”*, деди депутат.

## «Адолат» СДП

Депутатлар яқинда Сув хўжалиги вазирининг “Ирригация-мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда сув ресурсларини бошқаришни рақамлаштириш борасида амалга оширилган ишлар ҳолати тўғрисида”ги ахборотини эшитдилар.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси аъзоси **Олтиной Мамирова** соҳадаги мутахассисларнинг ижтимоий таъминотини яхшилаш борасида учраб турган муаммолардан бирига вазир эътиборини қаратди.

*“Ўтган йили август ойида Қарши магистраль каналларидан фойдаланиш бошқармасининг насос станциясида алоҳида ва оғир меҳнат шароитларидаги иш билан шуғулланаётган ходимларга тўланаётган иш ҳақи ва устамалар амалдаги меҳнат қонунчилигига мослиги ўрганилиб, ўрганиш якуни бўйича вазирликнинг ахбороти эшитилганди. 2023 ноябрь ойида ушбу ишчи-ходимларнинг иш ҳақи ва устамалари ички имкониятдан келиб чиқиб, қайта кўриб чиқилиши ва ижтимоий таъминоти яхшиланиши тўғрисида маълумот берилган эди. Бироқ ўтган давр мобайнида бу борада силжиш кузатилмаган. Парламент вакилларининг ҳақли талаби билан соҳадаги мутахассисларнинг ижтимоий таъминоти яхшиланиб, уларга муносиб меҳнат шароитлари яратиб берилишига умид қиламан”*, деди депутат.

## ЎзХДП

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида Ҳисоб палатасининг ҳисоботи депутатларнинг қизғин мунозараларига сабаб бўлди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси **Дилбар Мамажонова** ҳисобот даврида олий таълим муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида харид қилинган илмий лаборатория ускуналаридан самарали фойдаланилмаётганлиги бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

*“Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги чет эллардан олиб келинган бу қимматбаҳо лаборатория ускуналари ўрнатилмасдан қолгани бўйича айбдорларга нисбатан чора кўриши керак. Шу билан бирга, улардан тўғри ва унумли фойдалана оладиган мутахассисларни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратиши мақсадга мувофиқ”*, деди халқ вакили ўз сўзида.

## Ўзбекистон Экологик партияси

Транспорт вазирининг мамлакатимиз фуқаролари чет давлатларга қулай ва хавфсиз транспорт орқали етиб боришини таъминлашга оид амалга оширилаётган ишлар юзасидан берган ахбороти муҳокамалар марказида бўлди.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзоси **Наврўзбек Юсупов** сайловчилардан тушаётган мурожаатлардан келиб чиқиб, вазирга савол берди. Вақтинчалик меҳнат фаолиятини олиб бориш мақсадида хорижга жўнаб кетаётган фуқаролар учун темир йўл чипталарининг нархларига 20 фоиз миқдорда чегирмалар берилиши борасида қабул қилинган қарорларнинг ижроси тўлақонли амалга оширилмаётганини танқид остига олди.

*“Биз, депутатлар жойларда фуқаролар билан учрашувларда хорижга ишлаш учун кетаётган ҳамюртларимизга юқоридаги чегирма берилмаётгани бўйича эътирозларни эшитяпмиз. Вазирликнинг бу борадаги расмий изоҳи ва амалий натижаларини кутиб қоламиз”*, деди депутат.

РЕКЛАМА

**Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги**

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**

**вакант (бўш) профессор-ўқитувчилар лавозимига танлов эълон қилади.**

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси кафедраси | кафедра мудири, доцент |
| 2. | Технологик машиналар ва жиҳозлар кафедраси | кафедра мудири, катта ўқитувчи |
| 3. | Муҳандислик графикаси ва механикаси кафедраси | доцент, ассистент |
| 4. | Меҳнат муҳофазаси ва экология кафедраси | катта ўқитувчи |
| 5. | Матбаа ва қадоқлаш жараёнлари технологияси кафедраси | доцент |
| 6. | Чарм буюмларини конструкциялаш ва технологияси кафедраси | доцент |
| 7. | Йигириш технологияси кафедраси | кафедра мудири |
| 8. | Корпоратив бошқарув кафедраси | профессор, ассистент |
| 9. | Кимёвий технология кафедраси | доцент |
| 10. | Ўзбек ва хорижий тиллар кафедраси | катта ўқитувчи, ассистент |
| 11. | Математика ва информатика кафедраси | катта ўқитувчи |
| 12. | Костюм дизайни кафедраси | ассистент |
| 13. | Тикув буюмларини конструкциялаш ва технологияси кафедраси | катта ўқитувчи |

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар ректор номига ариза билан кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, дипломлар ва аттестатлар нусхалари, илмий ишлар ва ихтиролар рўйхати, малака оширганлик тўғрисида ҳужжатлар нусхаларини топширади.

Аризалар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.

**Эслатма:** мазкур институтда ишловчи шахслар ўтган муддат бўйича кафедрада ҳисобот беради, танловда иштирок этувчилар синов дарслари ўтказади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Шоҳжаҳон кўчаси 5-уй, 1-бино, 208-хона. Телефон: 71-253-17-78.**

**PAVEL BENKOV NOMIDAGI RESPUBLIKA IXTISOSLASHTIRILGAN RASSOMLIK MAKTABI**

**2024/2025-o‘quv yiliga 7-sinfni tugatgan iqtidorli o‘quvchilarning qabulini e’lon qiladi.**

**Hujjatlar 2024-yil 1-iyundan — 30-iyungacha qabul qilinadi.**

Tanlovda ishtirok etish uchun o‘quvchilardan quyidagi hujjatlar talab etiladi:

- direktor nomiga ariza (yo‘nalishi, mutaxassisligi, o‘qish tili ko‘rsatilgan holda);
- tug‘ilganlik to‘g‘risida guvohnoma nusxasi;
- 7-sinf yakuni bo‘yicha o‘zlashtirish ko‘rsatkichlari haqida tabel nusxasi;
- bolalar musiqa va san’at maktablarini tamomlaganlik to‘g‘risida guvohnoma (agar mavjud bo‘lsa);
- 086-U va 063-shaklidagi ma’lumotnomalar;
- 3x4 sm. hajmdagi 6 ta fotosurat;
- ta’lim yo‘nalishlari bo‘yicha o‘quvchining iste’dod va iqtidorini ko‘rsatuvchi ishlaridan namunalar (diplom, faxriy yorliq, fotosurat hamda boshqa ijodiy ishlar namunalari (agar mavjud bo‘lsa).

Chet el fuqarolari qonunda belgilangan tartibda qabul qilinadi.

**Pavel Benkov nomidagi Respublika ixtisoslashtirilgan rassomlik maktabi 2024/2025-o‘quv yili ta’lim ixtisosliklari:**

1. Tasviriy san’at — tayyorlov yo’nalishlar;
2. Amaliy san’at — tayyorlov yo’nalishlar.

**Manzil: Toshkent shahri, Shayxontohur tumani, Furqat ko‘chasi, 6-uy.**

**Миллий авиапаркимиз яна бир — «Airbus A320» оиласининг 24-ҳаво кемаси билан тўлдирилди.**

**Mulkchilik shaklidan qat'i nazar korxona, tashkilot va muassasalar rahbarlari diqqatiga!**

# JIZZAX POLITEXNIKA INSTITUTI

2023/2024-o'quv yilida bakalavriat ta'lim yo'nalishlari va magistratura mutaxassisliklari bo'yicha bitiruvchilarni hamkorlik shartnomalari hamda buyurtmalar asosida ish joylariga taqsimlashga kirishganini ma'lum qiladi. 2023/2024-o'quv yilida Jizzax politexnika institutini bitirayotgan yosh mutaxassislar to'g'risida ma'lumot

| № | Yo'nalish shifri | Ta'lim yo'nalishlari nomi | Bitiruvchilarning umumiy soni | Shu jumladan | | Respublika viloyatlari bo'yicha | | | | | | | | | | | | | | Jizzax viloyati shahar va tumanlari bo'yicha | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Jami grant | Jami to'lov shartnoma | Qoraqalpog'iston Respublikasi | Andijon | Buxoro | Qashqadaryo | Navoiy | Namangan | Samarqand | Sirdaryo | Surxondaryo | Toshkent | Farg'ona | Xorazm | Toshkent shahri | Jizzax | Jizzax shahri | Sh. Rashidov tumani | Arnasoy tumani | Baxmal tumani | Do'stlik tumani | G'allaorol tumani | Zarbdor tumani | Zafarobod tumani | Zomin tumani | Mirzacho'l tumani | Paxtakor tumani | Forish tumani | Yangiobod tumani |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 | 28 | 29 | 30 | 31 | 32 | 33 |
| *Institut bo'yicha jami* | | | *1582* | *455* | *1127* | *7* | *7* | *50* | *55* | *75* | *3* | *213* | *67* | *18* | *18* | *17* | *25* | *8* | *1019* | *196* | *195* | *20* | *123* | *32* | *137* | *61* | *34* | *89* | *7* | *37* | *74* | *14* |
| *BAKALAVRIAT* | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1 | 5230200 | Menejment (tarmoqlar va sohalar bo'yicha) | 53 | 14 | 39 | | 1 | 1 | | | | 1 | 1 | | 4 | | | | 45 | 11 | 8 | 1 | 6 | | 4 | 6 | 1 | 5 | | 2 | 1 | |
| 2 | 5230900 | Buxgalteriya hisobi va audit (tarmoqlar bo'yicha) | 50 | 14 | 36 | 1 | | 1 | 2 | 1 | | 1 | 5 | | 1 | | 1 | 3 | 34 | 10 | 8 | | 1 | 4 | 3 | | | 5 | | | 2 | 1 |
| 3 | 5310100 | Energetika (tarmoqlar bo'yicha) | 42 | 6 | 36 | | | 1 | 3 | 2 | | 10 | 3 | | 1 | | | | 22 | 1 | 1 | | 3 | 1 | 7 | 2 | 1 | | 1 | | 5 | |
| 4 | 5310200 | Elektr energetikasi (tarmoqlar va yo'nalishlar bo'yicha) | 78 | 26 | 52 | | | 1 | 4 | 2 | | 16 | 3 | | 1 | | 2 | | 49 | 9 | 8 | 1 | 5 | 1 | 11 | 3 | 2 | 6 | | 3 | | |
| 5 | 5310500 | Avtomobilsozlik va traktorsozlik | 26 | 11 | 15 | | | | | 3 | | 8 | | | | | 1 | | 14 | 1 | | 1 | 4 | | 1 | | 1 | 2 | | | 4 | |
| 6 | 5310600 | Transport vositalari muhandisligi (turlari bo'yicha) | 110 | 29 | 81 | | 1 | 7 | 7 | 10 | | 17 | 6 | 4 | | | 5 | | 53 | 12 | 11 | 1 | 10 | 1 | 8 | 4 | 2 | 1 | 1 | | 2 | |
| 7 | 5310700 | Elektr texnikasi, elektr mexanikasi va elektr texnologiyalari (tarmoqlar bo'yicha) | 52 | 14 | 38 | 1 | | 5 | 5 | 3 | | 17 | | | 1 | | 2 | | 18 | 2 | 3 | 1 | 3 | 1 | 2 | 1 | 2 | | | 1 | 2 | |
| 8 | 5310800 | Elektronika va asbobsozlik (tarmoqlar bo'yicha) | 24 | 3 | 21 | | | | 1 | 3 | | 6 | 1 | | | 1 | | | 12 | 1 | 1 | | 4 | | 3 | 1 | | 2 | | | | |
| 9 | 5310900 | Metrologiya, standartlashtirish va mahsulot sifati menejmenti (tarmoqlar bo'yicha) | 80 | 25 | 55 | 1 | | 4 | 3 | 15 | | 10 | 4 | | 2 | 1 | 4 | | 36 | 3 | 8 | 1 | 5 | 2 | 3 | 1 | 1 | 5 | | 2 | 4 | 1 |
| 10 | 5311000 | Texnologik jarayonlar va ishlab chiqarishni avtomatlashtirish va boshqarish (tarmoqlar bo'yicha) | 48 | 18 | 30 | | | 4 | 2 | 1 | | 12 | 1 | | 1 | | 2 | | 25 | 1 | 2 | 1 | 3 | 1 | 6 | | 1 | 4 | 1 | 2 | 3 | |
| 11 | 5320100 | Materialshunoslik va yangi materiallar texnologiyasi (tarmoqlar bo'yicha) | 32 | 8 | 24 | | | 2 | 1 | 1 | | 1 | 1 | | | | | | 26 | 3 | 5 | 2 | 5 | 1 | 2 | 3 | 1 | | | 2 | 2 | |
| 12 | 5320200 | Mashinasozlik texnologiyasi, mashinasozlik ishlab chiqarishni jihozlash va avtomatlashtirish | 29 | 13 | 16 | | | 4 | | 4 | | 9 | | 2 | | | | | 10 | 1 | | | 1 | | 2 | 2 | | 1 | | 1 | 1 | 1 |
| 13 | 5320400 | Kimyoviy texnologiya (ishlab chiqarish turlari bo'yicha) | 87 | 28 | 59 | | | 2 | | 9 | 1 | 4 | 6 | | 1 | 1 | | 1 | 62 | 4 | 10 | 1 | 9 | | 18 | 7 | 1 | 4 | 1 | 2 | 5 | |
| 14 | 5320900 | Yengil sanoat buyumlari konstruksiyasini ishlash va texnologiyasi (ishlab chiqarish turlari bo'yicha) | 71 | 23 | 48 | | | 2 | | 1 | | 7 | 1 | 1 | 1 | 2 | | | 56 | 8 | 9 | 1 | 8 | 1 | 11 | 5 | 5 | 3 | | 2 | 2 | 1 |
| 15 | 5321000 | Oziq-ovqat texnologiyasi (mahsulot turlari bo'yicha) | 45 | 20 | 25 | 1 | | | | | | 3 | 3 | | | 1 | 1 | | 36 | 10 | 13 | | 4 | | 1 | | | 4 | | 1 | 2 | 1 |
| 16 | 5321200 | Tabiiy tolalarni dastlabki ishlash texnologiyasi (xomashyo turlari bo'yicha) | 36 | 9 | 27 | 1 | | | 1 | | 1 | 5 | 1 | | 1 | | | | 26 | 3 | 1 | 1 | 3 | | 5 | 2 | 1 | 3 | | 2 | 5 | |
| 17 | 5321300 | Neft va neft-gazni qayta ishlash texnologiyasi | 40 | 13 | 27 | | 1 | | 1 | 2 | 1 | 3 | 5 | 1 | | 1 | 1 | | 24 | 3 | 2 | | 1 | 3 | 5 | 4 | 1 | 2 | | 2 | 1 | |
| 18 | 5340100 | Arxitektura (turlari bo'yicha) | 26 | 11 | 15 | | | 1 | | 1 | | 2 | 3 | | | 2 | | 2 | 15 | 3 | 3 | | 3 | 1 | | | 1 | 1 | 1 | | 2 | |
| 19 | 5340200 | Bino va inshootlar qurilishi (turlari bo'yicha) | 86 | 21 | 65 | 1 | | 2 | 5 | 3 | | 9 | 2 | 1 | 1 | 2 | | | 60 | 19 | 18 | 1 | 5 | 4 | 3 | 1 | | 6 | | 2 | 1 | |
| 20 | 5340400 | Muhandislik kommunikatsiyalari qurilishi va montaji (turlari bo'yicha) | 67 | 18 | 49 | 1 | | 3 | 1 | 2 | | 14 | 3 | 2 | | 1 | 1 | | 39 | 9 | 7 | | 3 | | 7 | 1 | 1 | 7 | | 2 | 2 | |
| 21 | 5340500 | Qurilish materiallari, buyumlari va konstruksiyalarini ishlab chiqarish | 97 | 28 | 69 | | 1 | 1 | 2 | 1 | | 9 | 3 | | 1 | | 1 | | 78 | 15 | 25 | 2 | 9 | 4 | 8 | 2 | 2 | 3 | | 3 | 2 | 3 |
| 22 | 5340600 | Yo'l muhandisligi (sohalar va faoliyat turlari bo'yicha) | 125 | 21 | 104 | | 2 | 7 | 6 | 4 | | 16 | 4 | 3 | 1 | | | | 82 | 18 | 16 | 1 | 11 | 2 | 8 | 5 | 2 | 10 | 1 | 2 | 5 | 1 |
| 23 | 5341800 | Devorbop va pardozbop qurilish materiallari texnologiyasi | 44 | 18 | 26 | | | | 1 | 3 | | 4 | 1 | 1 | | | | | 34 | 7 | 7 | | 4 | 2 | 4 | 1 | 1 | 1 | 1 | 2 | 4 | |
| 24 | 5350700 | Radioelektron qurilmalar va tizimlar (tarmoqlar bo'yicha) | 36 | 6 | 30 | | | | | | | 4 | 3 | | | | | | 29 | 10 | 5 | 1 | 4 | | 5 | 1 | 1 | | | 1 | | 1 |
| 25 | 5410500 | Qishloq xo'jalik mahsulotlarini saqlash va dastlabki ishlash texnologiyasi (mahsulotlar turlari bo'yicha) | 48 | 10 | 38 | | | | 1 | | | 2 | 2 | | 1 | 1 | 1 | | 40 | 9 | 7 | | 2 | | 2 | 2 | 2 | 7 | | 1 | 7 | 1 |
| 26 | 5430100 | Qishloq xo'jaligini mexanizatsiyalashtirish | 24 | 9 | 15 | | | | 2 | | | 1 | | | | | 1 | 1 | 19 | 2 | 3 | | 2 | 1 | 1 | 2 | 1 | 2 | | | 3 | 2 |
| 27 | 5620100 | Transport logistikasi (avtomobil transporti) | 52 | 13 | 39 | | | 1 | 3 | 2 | | 12 | 2 | 3 | | 3 | 2 | 1 | 23 | 9 | 6 | 1 | 1 | | | 3 | 2 | 1 | | | | |
| 28 | 5630100 | Ekologiya va atrof-muhit muhofazasi (tarmoqlar va sohalar bo'yicha) | 29 | 11 | 18 | | | | 1 | | | 4 | 1 | | | | | | 23 | 5 | 4 | | 2 | | 1 | 1 | 1 | 2 | | 1 | 5 | 1 |
| 29 | 5640200 | Mehnat muhofazasi va texnika xavfsizligi | 35 | 5 | 30 | | 1 | 1 | 3 | 2 | | 6 | 2 | | | 1 | | | 19 | 4 | 1 | 1 | 2 | 1 | 5 | | | 2 | | 1 | 2 | |
| *Bakalavriat jami* | | | *1572* | *445* | *1127* | *7* | *7* | *50* | *55* | *75* | *3* | *213* | *67* | *18* | *18* | *17* | *25* | *8* | *1009* | *193* | *192* | *19* | *123* | *31* | *136* | *60* | *34* | *89* | *7* | *37* | *74* | *14* |
| *MAGISTRATURA* | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1 | 70411201 | Menejment (tarmoqlar va sohalar bo'yicha) | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | 1 | | | | | | | |
| 2 | 70710106 | Materiallarning kimyoviy qarshiligi va zanglashdan himoyalash | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | 1 | | | | | | | | | | | |
| 3 | 70710901 | Energiya tejamkorligi va energoaudit | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | 1 | | | | | | | | | | |
| 4 | 70711302 | Metrologiya, standartlashtirish va sifatni boshqarish | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | |
| 5 | 70712501 | Yer usti transport vositalari va tizimlari (transport turlari bo'yicha) | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | 1 | | | | | | | | | | | |
| 6 | 70712504 | Avtomobillar va avtomobil xo'jaligi | 2 | 2 | | | | | | | | | | | | | | | 2 | 1 | | | | | | 1 | | | | | | |
| 7 | 70721201 | To'qimachilik mahsulotlari texnologiyasi (mahsulot turlari bo'yicha) | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | 1 | | | | | | | | |
| 8 | 70730301 | Bino va inshootlar qurilishi (inshootlar turi bo'yicha) | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | |
| 9 | 70811301 | Qishloq xo'jalik mahsulotlarini saqlash va dastlabki ishlash texnologiyasi | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | 1 | | | | | | | | | | | |
| *Magistratura jami* | | | *10* | *10* | | | | | | | | | | | | | | | *10* | *3* | *3* | *1* | | *1* | *1* | *1* | | | | | | |

Bitiruvchilar to'g'risidagi batafsil ma'lumotlar bilan institut veb-sayti (https://jizpi.uz/)da «Bitiruvchilar» bo'limida tanishishingiz mumkin.

**Жорий йилнинг 17 — 19 май кунлари Тошкентда стол тенниси бўйича «Париж — 2024» ёзги Олимпия ўйинларига йўлланма берувчи турнир бўлиб ўтади.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 542. 14 275 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Шерназаров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.55 Топширилди — 23.40 1 2 3 4 5 6